



“Тасдиқлайман”

“Дартонасувкурилишинвест” ДМ

Ш.Юлдашев

2022 й.

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

Танлов хужжати

Фарғона 2022 йил

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА **ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1.1 Танлов предмети: Фарғона шаҳридаги “Эко шахар” лойиҳаси доирасида ташкил этилётган боғлар учун № 6 тик сугориш қудуғини қуриш объекти.

1.2. Танловнинг юқори қиймати ҚҚС билан 401 000 000 сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди. Тўловлар уч боскичда амалага оширилади.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуқсон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Фарғонасувқурилишинвест” ДМ (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади. Фарғона ш. Ал-Фарғоний кўчаси 92 уй Эл.адрес: far.invest@minwater.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Буюртмачи томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуидаги малакавий талаблар қўйилади:

3.3. Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуидаги шартларга мос келиши керак: Танлов предмети қийматининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга тегишли банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базаларига, ишлар (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларига, етарли касбий ва техниковий малакага, сув хўжалиги соҳасида кўп йиллар давомида ишлаб келаётган, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш обьектларда қурилиш тажрибаси борлиги ва ишончли пудратчи ташкилотлар бўлишлари шарт. Молиялаштириш шартлари: бўнак (аванс)-танлов савдолари натижаларига кўра аниқланган, қурилишнинг мўлжалланган йилдаги ишлар қийматининг 30 фоизи олдиндан, бажарилган ишлар қийматининг 95 фоизи жорий молиялаштириш ва 5 фоизи обьектнинг фойдаланишга топширилгандан сўнг кафолатли муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади

- куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайды: кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турғанлар; мол-мулки мусодара килингандар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

6. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.5. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.6. танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган холда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган холда тақдим этишлари лозим.

4.7. Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича куйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар руйхати илова қилинади);
- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.8. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини кайтариб олиш ёки ўзгаришиш киритиш хуқуқига эга.

7. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.3. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълуқли холда эълон қилинган муддатдан яна 5-календар кунга узайтириши мумкин.

5.4. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йиғилиши карори асосида амалга оширилади.

- танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6.1. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 Давлат харидлари тўғрисидаги конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.4 Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хакиийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1 Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга хақли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йўл кўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

8.6 Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга хақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

8.7 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

8.8 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга хақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

8.9 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

